

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ХАЛҚАРО АЭРОПОРТГА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 25 январдаги ПҚ-2744-сонли "Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Абдуганиевич Каримовнинг хотирасини абадилаштириш тўғрисида"ги Қарорининг бажарилишини таъминлаш ҳамда аэропорт инфратузилмаси фаолияти самардорлигини янада ошириш, шунингдек, Тошкент халқаро аэропортида замонавий талабларга мувофиқ йўловчиларга хизмат кўрсатиш сифатини тубдан яхшилаш мақсадида:

1. "Тошкент" халқаро аэропорти" давлат унитар корхонасига Ислам Каримов номи берилсин.

2. Тошкент халқаро аэропорти инфратузилмаси фаолияти самардорлигини янада ошириш ҳамда йўловчиларга хизмат кўрсатиш сифатини тубдан яхшилашга доир комплекс чора-тадбирлар дастурининг ҳар томонлама тайёрланишини ва асосланишини таъминлаш мақсадида иловага мувофиқ таркибда Махсус комиссия ташкил этилсин.

3. Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси, Давлат божхона қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Тошкент шаҳри ҳокимлиги билан биргаликда қуйидаги устувор вазифаларнинг амалга оширилишини таъминлайдиган Комплекс чора-тадбирлар дастурини бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун тақдим этсин:

режим-қўриқлаш чора-тадбирлари тизимларини такомиллаштириш, шунингдек, аэропортда замонавий, шу жумладан, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ҳисобига йўловчиларнинг божхона, чегара ва иммиграция тартиботларидан ўтиш

вақтини қисқартириш;

мавжуд таркибни танқидий таҳлил қилиш ҳамда божхона, чегара ва иммиграция хизматлари, ички ишлар органлари ва аэропортда хизмат кўрсатиш инфратузилмаси ходимлари барча тоифаларини танлашга нисбатан талабчанлигини ошириш, улар томонидан хизмат ваколатларининг ҳар қандай тарзда суийистеъмол қилинишининг олдини олиш ва уларга барҳам бериш; пойтахтга ва республикага келадиган йўловчилар, меҳмонлар ва хорижий делегацияларга хизмат кўрсатишнинг юқори даражасини таъминлаш, Ўзбекистоннинг бош ҳаво бандаргоҳида ўзбек халқига қадимдан хос бўлган самимий илтифот ва меҳмондўстлик мухитини яратиш;

зарур қулай шарт-шароитларни яратишни назарда тутган ҳолда аэропортнинг тегишли инфратузилма хизматлари фаолияти самардорлигини таъминлаш, йўловчиларга хизмат кўрсатиш ва уларнинг бағаж билан ишлашнинг технологик жараёнини оптимallashtiriш;

кузатиб қолувчилар ва кутиб олувчилар учун зарур шарт-шароитлар яратиш, махсус ажратилган ҳудудда авто-транспортлар тўхташ жойларини ташкил этиш, ободонлаштириш масалаларини комплекс ҳал этиш;

аэропортнинг барча хизматлари фаолияти самардорлиги ва сифатини ошириш, шунингдек, йўловчиларга хизмат кўрсатишнинг янада қулай шарт-шароитларини яратиш учун илғор хорижий тажрибани ўрганиш ва жорий этиш.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2017 йил 4 май

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 4 майдаги ПҚ-2950-сон Қарорига илова

Тошкент халқаро аэропорти инфратузилмаси фаолияти самардорлигини янада ошириш ҳамда йўловчиларга хизмат кўрсатиш сифатини тубдан яхшилаш бўйича Махсус комиссия таркиби

Арипов А. Н. – Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, Комиссия раиси

Раматов А. Ж. – Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, Комиссия раисининг ўринбосари

Комиссия аъзолари:
Тян В. Н. – "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпаниясининг бош директори

Азизов А. А. – Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири

Комилов А. Х. – Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири

Хўжаев Б. А. – Ўзбекистон Республикаси молия вазири

Ганиев Э. М. – Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо вазири

Муратов М. М. – Ўзбекистон Республикаси маданият вазири

Эминжанов Р. О. – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати раисининг ўринбосари – чегара қўшинлари қўмондони

Тоҳирий В. М. – Давлат божхона қўмитаси раиси

Шарапов А. К. – Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси

Усманов Р. Ж. – Тошкент шаҳри ҳокими

Махкамов И. Р. – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси масалалари ахборот-таҳлил департаментининг мудири, комиссия котиби

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

"НУКУС-ФАРМ", "ЗОМИН-ФАРМ", "КОСОНСОЙ-ФАРМ", "СИРДАРЁ-ФАРМ", "БОЙСУН-ФАРМ", "БЎСТОНЛИҚ-ФАРМ" ВА "ПАРКЕНТ- ФАРМ" ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Республикаимизнинг фармацевтика тармоғини ривожлантиришга йўналтирилган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга хорижий ва маҳаллий инвестицияларни фаол жалб этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, доривор ўсимликлар хом ашёсини етиштиришнинг ноёб шароитларини инobatга олган ҳолда маҳаллий доривор воситалар бозорини ўзимизда ишлаб чиқариш юқори сифатли дори воситалари билан тўлдириш, уларни чуқур қайта ишлаш ҳамда юқори қўшилган қийматли фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқаришини ташкил этиш, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Наманган, Сирдарё, Сурхондарё ҳамда Тошкент вилоятларининг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан комплекс ҳамда самарали фойдаланиш асосида янги иш ўринларини яратиш ва республикаимиз аҳолиси даромадларини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, "Ўзфармсанот" ДАК, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Жиззах, Наманган, Сирдарё, Сурхондарё ҳамда Тошкент вилоятларининг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан комплекс ҳамда самарали фойдаланишини таъминлаш;

публикаси Вазирлар Кенгаши, Жиззах, Наманган, Сирдарё, Сурхондарё ҳамда Тошкент вилоятлари ҳокимликларининг "Нукус-фарм", "Зомин-фарм", "Косонсой-фарм", "Сирдарё-фарм", "Бойсун-фарм", "Бўстонлиқ-фарм" ва "Паркент-фарм" эркин иқтисодий зоналарини (кейинги ўринларда "Нукус-фарм" ЭИЗ, "Зомин-фарм" ЭИЗ, "Косонсой-фарм" ЭИЗ, "Сирдарё-фарм" ЭИЗ, "Бойсун-фарм" ЭИЗ, "Бўстонлиқ-фарм" ЭИЗ ва "Паркент-фарм" ЭИЗ деб аталади) ташкил этиш тўғрисидаги тақлифи қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар "Нукус-фарм" ЭИЗ, "Зомин-фарм" ЭИЗ, "Косонсой-фарм" ЭИЗ, "Сирдарё-фарм" ЭИЗ, "Бойсун-фарм" ЭИЗ, "Бўстонлиқ-фарм" ЭИЗ ва "Паркент-фарм" ЭИЗнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

доривор ўсимликлар хом ашёсини ўзига хос табиий шароитларда етиштириш ва кейинчалик қайта ишлаш борасида Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Наманган, Сирдарё, Сурхондарё ҳамда Тошкент вилоятларининг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан комплекс ҳамда самарали фойдаланишини таъминлаш;

юқори қўшилган қийматли замонавий фармацевтика маҳсулотлари ва дори воситаларини ишлаб чиқаришни, биринчи навбатда белгиланган тартибда ташкил этилган плантацияларда етиштирилган доривор моддалар (субстанциялар) ҳамда доривор ўсимликлар хом ашёси негизида ташкил этиш учун хорижий ва маҳаллий инвесторларнинг тўғридан-тўғри инвестицияларини жалб этиш;

доривор ўсимликлар хом ашёсини қайта ишлаш ва дори воситалари, тиббиёт буюмлари, ёрдамчи ва қадоклаш материаллари ишлаб чиқариш бўйича янги замонавий ишлаб чиқариш ва қувватларни ташкил этиш;

мустаҳкам кооперация алоқаларини ўрнатиш ва эркин иқтисодий зоналар ташкилотлари ҳамда республикаимизнинг бошқа корхоналари ўртасида саноат кооперациясини ривожлантириш асосида маҳаллий доривор ўсимликлар хом ашёси ва материаллари негизида фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш;

Давоми 2-бетда. ➡

Қахрамонлик, бурч ва фидойилик

Айни кунларда вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларида Президентимизнинг жорий йил 4 апрелда қабул қилинган "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармони ҳамда "Хотира ва Қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижроси доирасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, жойлардаги маҳаллий ҳокимликлар мутасаддилари Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларининг уйларига бориб, улар учун тайёрланган пул мукофотлари, қimmatбох совга-саломларни тантанали равишда топширишмоқда.

МИННАТДОР АВЛОДЛАР ЭҲТИРОМИ

Янгийўл тумани ҳокимлиги масъул ходимлари, ёшлар ва жамоатчилик вакилларида таркиб топган гуруҳ аъзолари кунни кеча ҳудуддаги бир қанча нурунийлар, жумладан, "Намуна" маҳалла фуқаролар йиғинига қарашли Баҳор кўчаси

36-уйда яшовчи, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Камол Рихсиев хонадонид бўлди.

Отахон билан кечган самимий суҳбатда бугунги дориламон кунлар шуқуҳи, давлатимиз раҳбари томонидан кекса авлод вакилларига кўрсатилаётган алоҳида эътибор ва ғамхўрлик, хотира ва қадр тушунчалари мазмун-моҳияти ҳақида сўз юритилди. К. Рихсиевга Президентимиз Фармонида бинаоан икки миллион сўм ҳамда замонавий телевизор тўхфа этилди.

– 93 ёшга кирдим. Ҳаётда одам меҳр ва эътиборга тўймас экан, – дейди Камол бобо. – Айниқса, ёшнингиз бир жойга бориб қолганида бу жуда билинади, нималарнидир кутасиз. Шундай пайтларда кўрсатилган эътибор ва ғамхўрлик кўнгилни тоғдек кўтарди, саломатлигингизни мустаҳкамлаб, тетиклик, кўтаринчилик, шуқроналик бағишлайди. Давлатимиз раҳбарининг кекса авлод вакиллари, хусусан, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётгани бизга ана шундай қайфият улашаётир. Ҳар гал дуога қўл очар эканмиз, Яратгандан у кишига мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр, эл-юртимизга тинчлик-осойишталик, кут-барақа сўраймиз.

Холмурод САЛИМОВ,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири.
Қобилжон ҒОҒУРОВ
олган сурат.



2017 йил – Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили МУАММО САЙЁР ҚАБУЛГАЧА ҲАЛ БЎЛДИ

Таъбир жоиз бўлса, аҳоли Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал ва Халқ қабулхоналарига мурожаат қилиш маданияти, соддарок айтганда, тартиб-одробини англаб бораётипти. Хусусан, ҳар бир фуқаро ўзини қийнаётган муаммони маҳаллий миқёсда, нари борса шаҳар ва туман даражасида ҳал этишга ҳаракат қилаётипти. Агар шунда ҳам иши битмас, қабулхоналарга мурожаат қилиб, натижасини билиш мақсадида жойларда мутасадди раҳбарлар иштирокida ташкил этилаётган сайёр қабулларда қатнашиб, муаммосига ечим топаётипти.

– Фермер хўжалигининг аввалги ери давлат захирасига олингандан сўнг навбатдаги танлов ўтказилгунча қадар бошқа ерни бириктириб беришларини сўраб Халқ қабулхонасига мурожаат қилган эдим, – дейди Пискент тумани, Келовчи қишлоғи фермер Марзия Солиева. Олмалик шаҳрида ташкил этилган навбатдаги сайёр қабул чоғида. – Ҳозир бу масала ҳал бўлиш арафасида. Ҳокимнинг қарори тайёрланмоқда. Бундан ташқари, пенсияга чиқишим билан боғлиқ масала ҳам туман ҳокимлиги томонидан қонун асосида ижобий ҳал этилмоқда. Халқ қабулхонаси мутасаддиларига раҳмат!

Саид қишлоғилик Файзулла Масолиев илгари бир жиноий иш юзасидан суриштирув маған навбатдаги сайёр қабул чоғида. – Ҳозир бу масала ҳал бўлиш арафасида. Ҳокимнинг қарори тайёрланмоқда. Бундан ташқари, пенсияга чиқишим билан боғлиқ масала ҳам туман ҳокимлиги томонидан қонун асосида ижобий ҳал этилмоқда. Халқ қабулхонаси мутасаддиларига раҳмат!

насиға мурожаат қилган эди. Бирок, сайёр қабулда иштирок этолмаслиги боис йўлдан миннатдорлик мактуби ўқиб эшиттирилди. Унда, жумладан, шундай дейилади: "Мурожаатим юзасидан берган тушунтиришларга мувофиқ, туман судига мурожаат қилдим ва керакли жавобни олдим. Сизлардан жуда миннатдорман. Бугунги сайёр қабулнингизга боролмаганим учун узор сўрайман. Сабаби, Олмалик кон-металлургия комбинатига ишга жойлашяпман, ҳозир ҳужжатларимни топширяпман".

Пискент тумани, Кўргонтепа қишлоғида яшовчи Мираҳмад Иброҳимов ўн нафар набираси билан "Мусаев Олим бизнес" фермер хўжалигида ишлайди.

Ўзи кўз остига олиб юрган бир ерни шу фермер хўжалигининг экин майдонига қўшиб беришларини сўраган эди. Мурожаати сайёр қабул кунига қолдирмай ҳал этилганидан хурсанд бўлиб, раҳмат айтди.

– Мен фойдаланилган газ ҳақини қанда қилмай тўлаб борамаман, – дейди Маҳфуза Топилова. – Аммо, навбатдаги тўловларимни туман газ таъминоти ходими ўзлаштириб юбориб, мени 1 миллион 200 минг сўм қарздор қилиб қўйибди. Шундан сўнг Президентининг Виртуал қабулхонасига мурожаат қилдим. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, мазкур муаммо менинг фойдамага ҳал қилингани ҳақида хабар етказилди. Айтилишча, мурожаатимда келтирилган далиллар

зудлик билан ўрганиб чиқилган, солиштирма далолатнома тузилган, унда газдан қарзим йўқлиги қайд этилган. Шу боис, сайёр қабулда қатнашиб, мутасадди ходимларнинг яна вақтларини олишига ҳожат қолмади.

Саидбод қишлоғилик Беғали Хаитметовнинг бугун қайфияти чоғ.

Пискент тумани Халқ қабулхонасига мурожаат йўллаб тўғри қилган эканман, – дейди у. – Тендер танловда ғолиб бўлсамасам-да, аҳдидма қатъий туриб, мақсадимга эришдим.

Гал шундаки, Б. Хаитметов тендер танловини қайтадан ўтказишни талаб қилди. Шундан сўнг унинг мурожаати сайёр учрашув кунига қадар туман ер ажратиш комиссияси ййғилишида қайта кўрилиб, ғолиб деб топилди ва фермер хўжалигини ташкил этиш учун ер берилди.

Дилдора Орифжонова шу йил февраль ойида оилавий

тадбиркорликни мақсад қилиб, "Дилрух" корхонасини очди ва бир йўла вилоят "Тадбиркор аёл" уюшмасига ҳам аъзо бўлди. Орадан ўтган уч ой мобайнида бир оз тажриба орттиргач, тикув цехини кенгайтириш нияти туғилди ва "Микрокредитбанк"дан имтиёзли кредит сўради. Бирок, мақсади амалга ошмагач, Президентининг Виртуал қабулхонасига мурожаат қилди. Натижада, тадбиркор сўраган кредитни "Халқ банки" берадиган бўлди. Бунинг учун у ҳисоб рақамини шу банкка кўчирса бас.

Хулоса шуки, Виртуал ёки Халқ қабулхоналарига мурожаат қилмоқчи бўлган тадбиркор ёки фуқаро аввал ўзи қўяётган талаб қонун доирасида эканини аниқлаб олиши лозим. Ана шунда қабулхонадаги масъул ходимлар вақтини беҳуда олмайди.

Абдусамат ЙЎЛДОШЕВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

«УЗИЛГАН БИР КИПРИК АБАД ЙЎҚОЛМАС...»

Академик шоир Фафур Ғуломнинг "Соғиниш" номли шеърини минглаб адабиёт муҳлилари яхши билади. Шеърнинг, айниқса, иккинчи тўртлиги инсон умри моҳиятининг, ҳаёт фалсафасининг гўзал қўйма ифодаси сифатида юракларга муҳрланади:

Узилган бир киприк
абад йўқолмас,
Шунчалар мустаҳкам
хонаи хуршид.
Бугун сабза бўлди
қишдаги нафас,
Ҳозир қонда кезар
эртанги умид.
Чиндан ҳам коинот
бағрида қорачикдек
айланиб турган она
сайёрамиз гирдида
тўқилган киприклар –
тинчлик, озодлик йўли-
да жон чекиб жанг қил-
ган заминдошлар номи
ҳеч қачон унут бўлмай-
ди.

Давоми 4-бетда. ➡



**2017
йил
учун
«Тошкент
ҳақиқати»
газетасига
обуна
давом
этимоқда!**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ**"НУКУС-ФАРМ", "ЗОМИН-ФАРМ", "КОСОНСОЙ-ФАРМ", "СИРДАРЁ-ФАРМ", "БОЙСУН-ФАРМ",
"БЎСТОНЛИҚ-ФАРМ" ВА "ПАРКЕНТ-ФАРМ" ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА**

доривор ўсимликлар хом ашёси интродукция ва культивациясини ўрганиш бўйича тажриба-экспериментал лабораториялари бўлган илмий-тадқиқот марказлари ташкил этиш.

3. Белгилаб қўйилсинки:

"Нукус-фарм" ЭИЗ, "Зомин-фарм" ЭИЗ, "Косонсой-фарм" ЭИЗ, "Сирдарё-фарм" ЭИЗ, "Бойсун-фарм" ЭИЗ, "Бўстонлиқ-фарм" ЭИЗ ва "Паркент-фарм" ЭИЗнинг фаолият кўрсатиш мuddати, кейинчалик узайтириш имконияти билан 30 йилни ташкил қилади;

фаолият кўрсатиш мuddати мобайнида "Нукус-фарм" ЭИЗ, "Зомин-фарм" ЭИЗ, "Косонсой-фарм" ЭИЗ, "Сирдарё-фарм" ЭИЗ, "Бойсун-фарм" ЭИЗ, "Бўстонлиқ-фарм" ЭИЗ ва "Паркент-фарм" ЭИЗ худудларида алоҳида солиқ, божхона ва валюта режимлари амал қилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой мuddатда "Нукус-фарм" ЭИЗ, "Зомин-фарм" ЭИЗ, "Косонсой-фарм" ЭИЗ, "Сирдарё-фарм" ЭИЗ, "Бойсун-фарм" ЭИЗ, "Бўстонлиқ-фарм" ЭИЗ ва "Паркент-фарм" ЭИЗ дирекцияларини ташкил қилиш ҳамда "Нукус-фарм" ЭИЗ, "Зомин-фарм" ЭИЗ, "Косонсой-фарм" ЭИЗ, "Сирдарё-фарм" ЭИЗ, "Бойсун-фарм" ЭИЗ, "Бўстонлиқ-фарм" ЭИЗ ва "Паркент-фарм" ЭИЗ дирекцияларининг низомиларини тасдиқлаган ҳолда улар фаолиятини ташкил этиш бўйича қарор қабул қилсин.

5. Эркин иқтисодий зоналар Маъмурий кенгашининг янгиланган таркиби 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Эркин иқтисодий зоналарнинг янгиланган Маъмурий кенгашига "Нукус-фарм" ЭИЗ, "Зомин-фарм" ЭИЗ, "Косонсой-фарм" ЭИЗ, "Сирдарё-фарм" ЭИЗ, "Бойсун-фарм" ЭИЗ, "Бўстонлиқ-фарм" ЭИЗ ва "Паркент-фарм" ЭИЗга нисбатан бошқарув функциялари юклансин.

6. Янги ташкил этилаётган "Нукус-фарм" ЭИЗ, "Зомин-фарм" ЭИЗ, "Косонсой-фарм" ЭИЗ, "Сирдарё-фарм" ЭИЗ, "Бойсун-фарм" ЭИЗ, "Бўстонлиқ-фарм" ЭИЗ ва "Паркент-фарм" ЭИЗ фаолиятини ташкил этиш комиссияси 2-иловага мувофиқ тузилсин.

Янги ташкил этилаётган иқтисодий зоналар фаолиятини ташкил этиш комиссияси зиммасига ушбу Фармонда назарда тутилган Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Наманган, Сирдарё, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларининг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан юқори қўшилган қийматли фармацевтика маҳсулотлари ва дори воситалари ишлаб чиқаришда самарали фойдаланишни таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга оширишни мувофиқлаштириш вазифаси юклансин.

7. Фармацевтика маҳсулотлари ва дори воситалари ишлаб чиқариш бўйича эркин иқтисодий зоналар фаолиятини ташкил қилиш борасидаги барча ишларни бажаришда амалий ёрдам кўрсатиш Мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Наманган, Сирдарё, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида худудий ишчи гуруҳлар 2-«а» иловага мувофиқ намунавий таркибда тузилсин.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Жиззах, Наманган, Сирдарё, Сурхондарё ҳамда Тошкент вилоятлари ҳокимликлари бир ой мuddатда белгиланган тартибда:

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан биргаликда "Нукус-фарм" ЭИЗ, "Зомин-фарм" ЭИЗ, "Косонсой-фарм" ЭИЗ, "Сирдарё-фарм" ЭИЗ, "Бойсун-фарм" ЭИЗ, "Бўстонлиқ-фарм" ЭИЗ ва "Паркент-фарм" ЭИЗ таркибига киритиш учун таъминлаш муҳандислик-комму-

никация ва йўл-транспорт инфратузилмаси билан яхши таъминланганлигини ҳисобга олган ҳолда ер участкалари чегаралари белгиланишини ва уларнинг ажратилишини;

ер участкаларини аниқлаш ва кейинчалик уларни доривор ўсимликлар хом ашёси етиштириш бўйича плантациялар ташкил қилиш учун берилишини таъминласин.

9. "Нукус-фарм" ЭИЗ, "Зомин-фарм" ЭИЗ, "Косонсой-фарм" ЭИЗ, "Сирдарё-фарм" ЭИЗ, "Бойсун-фарм" ЭИЗ, "Бўстонлиқ-фарм" ЭИЗ ва "Паркент-фарм" ЭИЗ қатнашчиларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 октябрдаги ПФ-4853-сонли "Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонининг 3, 4 ва 5-бандлари қоидалари татбиқ этилсин.

10. "Нукус-фарм" ЭИЗ, "Зомин-фарм" ЭИЗ, "Косонсой-фарм" ЭИЗ, "Сирдарё-фарм" ЭИЗ, "Бойсун-фарм" ЭИЗ, "Бўстонлиқ-фарм" ЭИЗ ва "Паркент-фарм" ЭИЗ дирекциялари эркин иқтисодий зоналарнинг бутун фаолият кўрсатиши даврида солиқлар ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод қилинсин.

11. "Ўзфармисаноат" ДАК, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Жиззах, Наманган, Сирдарё, Сурхондарё ҳамда Тошкент вилоятлари ҳокимликлари билан биргаликда икки ой мuddатда "Нукус-фарм" ЭИЗ, "Зомин-фарм" ЭИЗ, "Косонсой-фарм" ЭИЗ, "Сирдарё-фарм" ЭИЗ, "Бойсун-фарм" ЭИЗ, "Бўстонлиқ-фарм" ЭИЗ ва "Паркент-фарм" ЭИЗ худудларида саноат плантациялари ташкил этиш ва чуқур қайта ишланмаган дори воситалари ҳамда биологик фаол қўшимчалар ишлаб чиқаришга тавсия этилаётган доривор ўсимликлар рўйхатини ташкил этиш бўйича мақсадли Дастурни ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун эркин иқтисодий зоналарнинг Маъмурий кенгашига киритсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тошкент фармацевтика институти билан биргаликда "Ўзфармисаноат" ДАКга ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идораларга вилоятларнинг тупроқ-иклим шароитларида келиб чиққан ҳолда саноат плантациялари ташкил қилиш учун доривор ўсимлик турлари рўйхатини, шунингдек, маҳаллий доривор ўсимликлар хом ашёсидан фойдаланган ҳолда доривор моддалар (субстанциялар) ва дори воситалари ишлаб чиқиш соҳасидаги янги илмий тадқиқотлар натижаларини тизимли равишда тақдим этсин.

13. "Ўзфармисаноат" ДАК Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи савдо вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Жиззах, Наманган, Сирдарё, Сурхондарё ҳамда Тошкент вилоятлари ҳокимликлари, инвестиция лойиҳалари ташаббускорлари билан биргаликда икки ой мuddатда "Нукус-фарм" ЭИЗ, "Зомин-фарм" ЭИЗ, "Косонсой-фарм" ЭИЗ, "Сирдарё-фарм" ЭИЗ, "Бойсун-фарм" ЭИЗ, "Бўстонлиқ-фарм" ЭИЗ ва "Паркент-фарм" ЭИЗ худудларида амалга оширилиши тақлиф қилинаётган инвестиция лойиҳалари рўйхатини шакллантирсин ва тасдиқлаш учун эркин иқтисодий зоналарнинг Маъмурий кенгашига киритсин.

14. "Асака" АТБ ва бошқа тижорат банклари: "Нукус-фарм" ЭИЗ, "Зомин-фарм" ЭИЗ, "Косонсой-фарм" ЭИЗ, "Сирдарё-фарм" ЭИЗ, "Бойсун-фарм" ЭИЗ, "Бўстонлиқ-фарм" ЭИЗ ва "Паркент-фарм" ЭИЗ худудларида амалга ошириш тақлиф этилаётган ин-

вестиция лойиҳаларини биргаликда молиялаштириш учун, шунингдек, доривор ўсимликлар хом ашёсини етиштириш бўйича плантациялар ташкил этиш учун хўжалик юритувчи субъектлар ва фермер хўжалиқларига ўз маблағлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг давлат кафолати берилмаган ҳолда жалб этилган хорижий кредит линиялари ҳисобига кредитлар ажратилиш;

гаров таъминоти етарли бўлмаган ёки мавжуд бўлмаган ҳолларда инвестиция лойиҳалари ташаббускорларига технологик ускуналар лизинг асосида етказиб берилишини таъминлаш тавсия этилсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Автомобиль йўллари давлат қўмитаси, "Ўзбекэнерго" АЖ, "Ўзтрансгаз" АЖ, "Нукус-фарм" ЭИЗ, "Зомин-фарм" ЭИЗ, "Косонсой-фарм" ЭИЗ, "Сирдарё-фарм" ЭИЗ, "Бойсун-фарм" ЭИЗ, "Бўстонлиқ-фарм" ЭИЗ ва "Паркент-фарм" ЭИЗ худудларини, шунингдек, уларнинг иштирокчиларининг ишлаб чиқариш майдонларини тегишли таъқи муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмаси билан кафолатли таъминласин.

16. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Автомобиль йўллари давлат қўмитаси, "Ўзфармисаноат" ДАК, "Ўзбекэнерго" АЖ, "Ўзтрансгаз" АЖ, "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Жиззах, Наманган, Сирдарё, Сурхондарё ҳамда Тошкент вилоятлари ҳокимликлари билан биргаликда "Нукус-фарм" ЭИЗ, "Зомин-фарм" ЭИЗ, "Косонсой-фарм" ЭИЗ, "Сирдарё-фарм" ЭИЗ, "Бойсун-фарм" ЭИЗ, "Бўстонлиқ-фарм" ЭИЗ ва "Паркент-фарм" ЭИЗ худудларида йўл-транспорт, ишлаб чиқариш ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш дастурини уч ой мuddатда тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Молия вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси билан биргаликда ҳар йили келгуси йилга Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастури параметрларини шакллантиришда "Нукус-фарм" ЭИЗ, "Зомин-фарм" ЭИЗ, "Косонсой-фарм" ЭИЗ, "Сирдарё-фарм" ЭИЗ, "Бойсун-фарм" ЭИЗ, "Бўстонлиқ-фарм" ЭИЗ, "Паркент-фарм" ЭИЗнинг транспорт, ишлаб чиқариш ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш учун эркин иқтисодий зоналарнинг ўрнатилган тартибда ишлаб чиқилган ва тасдиқланган бош режаларини асосида капитал қўйилмалар лимитларини ҳамда зарур марказлаштирилган инвестициялар ажратилишини назарда тутсин;

17. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Жиззах, Наманган, Сирдарё, Сурхондарё ҳамда Тошкент вилоятлари ҳокимликларининг тегишли равишда "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компаниялари "Нукус-фарм" ЭИЗ, "Зомин-фарм" ЭИЗ, "Косонсой-фарм" ЭИЗ, "Сирдарё-фарм" ЭИЗ, "Бойсун-фарм" ЭИЗ, "Бўстонлиқ-фарм" ЭИЗ ва "Паркент-фарм" ЭИЗнинг бош режаларини ишлаб чиқиш, шунингдек, йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмаларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича буюртмачи этиб;

"ЎзшаҳарсозликЛИТИ" ДУКни "Нукус-фарм" ЭИЗ, "Зомин-фарм" ЭИЗ, "Косонсой-фарм" ЭИЗ, "Сир-

дарё-фарм" ЭИЗ ва "Бойсун-фарм" ЭИЗнинг бош режаларини ишлаб чиқиш бўйича бош лойиҳалаш ташкилоти этиб;

"ТошкентбошпланЛИТИ" ДУКни "Бўстонлиқ-фарм" ЭИЗ ва "Паркент-фарм" ЭИЗнинг бош режасини ишлаб чиқиш бўйича бош лойиҳалаш ташкилоти этиб белгилаш тўғрисидаги тақлифига розилик берилсин.

18. "ЎзшаҳарсозликЛИТИ" ДУК ва "ТошкентбошпланЛИТИ" ДУК уч ой мuddатда "Нукус-фарм" ЭИЗ, "Зомин-фарм" ЭИЗ, "Косонсой-фарм" ЭИЗ, "Сирдарё-фарм" ЭИЗ, "Бойсун-фарм" ЭИЗ, "Бўстонлиқ-фарм" ЭИЗ ва "Паркент-фарм" ЭИЗнинг бош режаларини ишлаб чиқсин ҳамда эркин иқтисодий зоналарнинг Маъмурий кенгаши билан келишган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқлаш учун киритсин.

19. Ўзбекистон темир йўллари АЖ, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси "Нукус-фарм" ЭИЗ, "Зомин-фарм" ЭИЗ, "Косонсой-фарм" ЭИЗ, "Сирдарё-фарм" ЭИЗ, "Бойсун-фарм" ЭИЗ, "Бўстонлиқ-фарм" ЭИЗ ва "Паркент-фарм" ЭИЗ худудларида логистика марказлари ҳамда божхона постлари ташкил этиш юзасидан бир ой мuddатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

20. "Нукус-фарм" ЭИЗ, "Зомин-фарм" ЭИЗ, "Косонсой-фарм" ЭИЗ, "Сирдарё-фарм" ЭИЗ, "Бойсун-фарм" ЭИЗ, "Бўстонлиқ-фарм" ЭИЗ ва "Паркент-фарм" ЭИЗ худудларида ёввойи ўсимликлардан тайёр фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича фаолиятни амалга оширган ёки ёввойи ўсимликлардан тайёр фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқариш иштирокчилари, "Нукус-фарм" ЭИЗ, "Зомин-фарм" ЭИЗ, "Косонсой-фарм" ЭИЗ, "Сирдарё-фарм" ЭИЗ, "Бойсун-фарм" ЭИЗ, "Бўстонлиқ-фарм" ЭИЗ ва "Паркент-фарм" ЭИЗ билан тузилган шартномалари бўлган юридик ва jisмоний шахслар "Қизил китоб"-га киритилмаган ҳамда ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан тасдиқланадиган ёввойи ҳолда ўсадиган ўсимликлар рўйхатига киритилган ёввойи ўсадиган ўсимликлар тайёрлагани (тўплагани) учун ундириладиган тўлов табиий муҳитдан олинган ёввойи ўсимликлар (яланғоч қизилмиёдан ташқари)га белгиланган тўловларнинг 50 фоизи миқдорда белгилансин.

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 январдаги ПФ-4931-сонли "Ургут", "Гижду-вон", "Қўқон" ва "Ҳазорасп" эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони 5-бандининг биринчи хатбоши ҳамда 1-илоvasи ўз кучини йўқотган, деб ҳисоблансин.

22. "Ўзфармисаноат" ДАК Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Ташқи савдо вазирлиги ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида бир ой мuddатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

23. Маъмур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А. Н. Юнусходжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2017 йил 3 май

◀ Бошлонини 1-бетда.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Нукус-фарм", "Зомин-фарм",
"Косонсой-фарм", "Сирдарё-фарм", "Бойсун-фарм", "Бўстонлиқ-фарм" ва "Паркент-фарм"
эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармонида шарҳ**

Дори-дармон воситалари касалликларнинг олдини олиш ҳамда уларни даволашда муҳим аҳамият касб этиши ҳаммамизга яхши маълум. Ўз навбатида давлатимиз раҳбари томонидан фармацевтика саноатини ривожлантиришга, аҳоли ва даволаш-профилактика муассасаларини Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган сифатли, юқори самарали ва хавфсиз дори-дармон воситалари билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлаш лозим.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда фармацевтика соҳасида иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш ва мавжудларини модернизация қилиш, чет эл инвестицияларини жалб қилиш учун қулай шароитлар яратиш, жаҳон бозорида рақобатдош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмларини ва унинг турларини кенгайтиришга қаратилган таркибий ўзгаришлар амалга оширилди.

Натижада 146 та маҳаллий фармацевтика корхонаси томонидан 2000 хилдан ортиқ дори-дармон воситаларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. 2016 йил якунлари бўйича мамлакатимиз фармацевтика бозорида маҳаллий дори-дармон воситаларининг улуши 55 фоизни ташкил этди.

Шу билан бирга, тармоқда бугунги кунда олиб борилган таҳлиллар ички бозорни маҳаллий дори-дармон воситалари ҳамда тиббиёт буюмлари билан янада кўпроқ тўлдириш учун республикамизнинг фармацевтика соҳасини ривожлантириш бўйича янада самарали чора-тадбирлар кўриш зарурлигини кўрсатмоқда.

Таъкидлаш жоизки, дунё фармацевтика

саноатида 8500 турдаги дори-дармон воситалари ишлаб чиқарилаётган бўлса, уларнинг 6300 таси халқимиз эҳтиёжлари учун импорт қилинади.

Юртимиздаги дори-дармон воситалари ҳамда тиббиёт буюмларини ишлаб чиқаришга мўлжалланган фармацевтика корхоналарининг хорижий хом ашё ҳамда материаллар импортига юқори даражада боғлиқлиги соҳа ривожига асосий тўсиқ бўлиб қолмоқда.

Маҳаллий хом ашё ва доривор ўсимликлар асосида дори-дармон воситаларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳисобига фармацевтика маҳсулотларининг маҳаллийлаштирилишини чуқурлаштириш ҳамда кенгайтириш, шунингдек, уларни тиббиёт амалиётига кенг жорий этиш долзарб масала ҳисобланади. Ҳозирги пайтда халқаро тиббиёт амалиётида фойдаланилаётган 350 турдаги доривор ўсимликлардан 71 таси республикамизда ташкил этилган саноат плантацияларида етиштирилади. Бу эса талаб ва эҳтиёж катта бўлган дори-дармон воситаларини маҳаллий шароитда узлуксиз ишлаб чиқариш учун етарли эмас, албатта. Шунини инобатга олган ҳолда, ишлаб чиқариш қувватларига яқин бўлган экологияси тоза ва соф бўлган туманларда янги плантацияларни ташкил этиш ривожланаётган фармацевтика соҳасининг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Нукус-фарм", "Зомин-фарм", "Косонсой-фарм", "Сирдарё-фарм", "Бойсун-фарм", "Бўстонлиқ-фарм" ва "Паркент-фарм" эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони қабул қилиниши, авваламбор, республикамиз-

нинг фармацевтика соҳасини ривожлантиришга, дори-дармон воситалари ҳамда тиббиёт буюмлари ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашга, маҳаллий дори-дармон воситалари бозорини ўзимизда ишлаб чиқарилган юқори сифатли препаратлар билан тўлдиришга кенг имконият яратлади.

Фармонда, жумладан, эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш фармацевтика саноатини янада ривожлантиришда биринчи даражали вазифа сифатида белгилаб берилган.

Тупроқ ва иқлим шароитлари ноёблигини инобатга олиб, Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Наманган, Сирдарё, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида эркин иқтисодий зоналар ташкил этиш тўғрисида тақлиф киритилган. Фармонда белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш учун давлат органлари ҳамда хўжалик бирлашмаларига қуйидаги топшириқлар юклатилди:

ер участкалари чегараларини белгилаш ва уларни эркин иқтисодий зоналар таркибига киритиш учун ажратиш; келгусида доривор ўсимликлар етиштириладиган плантациялар ташкил қилиш учун ер участкаларини аниқлаш ва уларни ажратиш;

эркин иқтисодий зоналар худудларида саноат плантацияларини ташкил этиш, ўстириш учун тавсия этиладиган доривор ўсимликларнинг рўйхатини тузиш ҳамда кейинчалик ушбу доривор ўсимликларни чуқур қайта ишлаш, дори-дармон воситалари ва биологик фаол қўшимчалар ишлаб чиқариш бўйича мақсадли Дастур ишлаб чиқиш.

Фармонда белгиланган вазифаларнинг

амалга оширилиши доривор ўсимликлар хом ашёсини қайта ишлаш ва дори-дармон воситалари, тиббиёт буюмлари, ёрдамчи ва қадоклаш материаллари ишлаб чиқариш бўйича янги замонавий ишлаб чиқариш ва қувватларни ташкил этишга, маҳаллий доривор ўсимликлар хом ашёси ва материаллар негизида фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг маҳаллийлаштириш жараёнларини чуқурлаштиришга имкон беради.

Ташкил этилаётган эркин иқтисодий зоналарнинг фаолият мuddати кейинчалик узайтириш имкони билан 30 йил этиб белгиланган, ушбу худудларда алоҳида солиқ, божхона ва валюта тартиблари амал қилади.

Жумладан, эркин иқтисодий зоналар иштирокчилари томонидан тегишли инвестициялар киритилганда, улар:

ер солиғи, даромад солиғи, юридик шахслар мулк солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови, шунингдек, Республика йўл жамғармаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармасига мажбурий ажратмалардан;

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган, четдан келтириладиган технологик асбоб-ускуналар, хом ашё ҳамда бутловчи буюмларни олиб киришда божхона тўловларидан озод этилади.

Шунингдек, эркин иқтисодий зоналар иштирокчилари экспорт ва импорт қилинадиган товарлар учун ўзларига қулай бўлган тўлаш ҳамда ҳисоб-китоб қилиш

шартлари ва шаклларида фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади.

Ушбу берилаётган имтиёз ҳамда қулайликлар маҳаллий ҳамда хорижий инвесторлар томонидан иқтисодиётга тўғридан-тўғри инвестициялар киритилишига бўлган қизиқишни оширади.

Эркин иқтисодий зоналар иштирокчиларининг барчаси ва ҳар бири учун қулай шароитлар яратиш мақсадида эркин иқтисодий зоналар худудлари, шунингдек, уларнинг иштирокчиларининг ишлаб чиқариш майдонлари тегишли таъқи муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмаси билан кафолатли таъминланади.

Фармоннинг аҳамиятли томонларидан яна бири тижорат банкларига ўз маблағлари ва жалб этилган хорижий кредит линиялари ҳисобига эркин иқтисодий зоналар худудларида амалга ошириш тақлиф этилаётган инвестиция лойиҳаларини биргаликда молиялаштириш, шунингдек, доривор ўсимликлар хом ашёси етиштириш бўйича плантациялар ташкил этиш учун хўжалик юритувчи субъектлар ва фермер хўжалиқларига кредитлар ажратиш тавсия этилмоқда. Шу билан бирга, гаров таъминоти етарли бўлмаган ёки мавжуд бўлмаган ҳолларда тижорат банклари инвестиция лойиҳалари ташаббускорларига технологик ускуналарни лизинг асосида белгиланган тартибда етказиб берилишини таъминлайди.

Фармоннинг қабул қилиниши ички бозорни кенг турдаги ҳаммабон, сифатли дори-дармон воситалари ҳамда тиббиёт буюмлари билан янада тўлиқ тўлдириш ва алоҳида худудларнинг саноат салоҳиятини ривожлантириш масалаларини ҳал этишга қаратилган.

РҲЙХАТДАН ҲТИШ УЧУН
30 ДАҚИҚА КИФОЯ

Адлия вазирлигида "Тадбиркорлик субъектларида давлат хизматларини кўрсатиш механизмларини тақомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Президент Қарори ижроси юзасидан тизимда амалга оширилаётган ишлар, "Ягона дарча" марказлари фаолиятидаги янгиликларга бағишланган матбуот анжумани бўлди. Анжуманда Тошкент вилояти ва пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган "Ягона дарча" марказлари мутасаддилари ҳамда тадбиркорлик тузилмалари вакиллари иштирок этди.

Анжуман

Жорий йилнинг апрель ойидан бошлаб тадбиркорлик субъектлари (www.my.gov.uz) – Ягона интерактив давлат хизматлари порталидаги автоматлаштирилган тизимга мурожаат этиш йўли билан давлат рўйхатидан ўтказилиб, ҳисобга қўйилмоқда. Бошқача айтганда, эндиликда ўз бизнесини бошламоқчи бўлган фуқаро "Ягона дарча" марказига келмасдан туриб ҳам интернет тармоғи орқали тадбиркорлик субъекти сифатида рўйхатдан ўтиши мумкин. Бунинг учун атиги ўттиз дақиқа кифоя. Бундан ташқари, талаб қилинадиган ҳужжатлар рўйхати қисқартирилди.

– Давлат рўйхатидан ўтиш учун интернет тармоғи орқали мурожаат этилса, белгиланган дав-

лат божлари миқдорининг ярми тўланади, – деди вилоят Адлия бошқармаси бўлим бошлиғи Абдулла Турсунов. – Бу эса тадбиркорларимизни кўпроқ ахборот-коммуникация технологиялари орқали фаолият юритишига туртки бўлади. Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳномалар ҳам қозғош шаклида берилмайди. Тизимда шакллантирилган электрон кўринишдаги гувоҳномани исталган нусхада чоп этиш мумкин. Тегишли органлар эса тадбиркорлик субъектларининг рўйхатдан ўтганини тўғрисидаги маълумотни тизим орқали билиб олади. Фирмага ном танлаш ва олиш ҳам реал вақт режимида амалга оширилади.

Соҳа мутахассисларининг кайд этишича, давлатимиз раҳбарининг юқоридаги қарорига биноан қўшимча 86 турдаги лицензия ва рухсатномаларни "Ягона дарча" марказлари орқали расмийлаштириш механизми босқичма-босқич амалга оширилади. Улардан 18 таси 2017 йилда жорий этилса, қолган 68 таси 2019-2020 йилларга мўлжалланган.

– Яқинда қандолатчилик махсусотлари ишлаб чиқариладиган корхонамизни қисқа вақт ичида интернет тармоғи орқали қайта рўйхатдан ўтказдик, – деди Зангиота туманидаги "Шодлик фэйз бизнес" корхонаси раҳбари Фаррух Шарипов. – Бунинг учун белгиланган тартибда тўлдирилган ариза ва таъсис ҳужжатларини тақдим этдик, холос.

Мухтасар айтганда, "Ягона дарча" тизимининг ҳаётга татбиқи этилиши тадбиркор ва ўз бизнесини бошлаётган ҳамюртларимиз учун ҳар жиҳатдан қулай ва самарали бўлмоқда.

Хушхабар ТУРСУНБЕКОВА,
"Тошкент ҳақиқати"
муҳбири.



"Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси" кўрик-танловининг ҳудудий босқичларида 250 минг нафардан зиёд ўқитувчи иштирок этди. Танлов бу гал янги ҳақда – замонавий ахборот коммуникация технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда ташкил қилинди.

Танловнинг республика босқичида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри миқёсида ғолиб бўлган педагоглар 10 та – рус

тили ва адабиёти, немис тили, француз тили, математика, информатика, тарих, миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари, физика ва кимё фанидан қатнашди. Танловнинг финал қисмида Тошкент вилоятдан 10 нафар ўқитувчи иштирок этди.

Қувонарлики, танловда Ангрен шаҳридаги 8-умумтаълим мактабининг математика ўқитувчиси Нигора Умарова, Паркент туманидаги 6-мактабининг француз тили ўқитувчиси Сай-

ОФАРИН, СИЗГА УСТОЗЛАР!

Ўзбекистон халқ таълими вазирлиги томонидан ўтказилаётган "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси" республика кўрик-танлови таълим соҳасида фаолият юритаётган устоз-мураббийлар билим ва маҳоратини ошириш, уларнинг машаққатли меҳнатини эъзозлаш, ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга хизмат қилаётир.

Ибрат

ёра Қурбоналиева, Ўрта Чирчиқ туманидаги 1-мактабининг немис тили ўқитувчиси Анастасия Ли, Юқори Чирчиқ туманидаги 3-мактабининг миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари фани ўқитувчиси Баҳор Акбарова ўз йўналишида биринчи ўринни эгаллади.

– Мен ўз касбимдан фахрланаман, – дейди танлов ғолибаси Баҳор Акбарова. – Биз берган таълим-тарбия ўқувчиларимизнинг бир умрлик

йўлдошига айланади. Биз навқирон авлодга замон талаблари асосида сабоқ беришимиз учун, аввало, ўзимиз ҳам бу ишга ҳар томонлама тайёр ва муносиб бўлишимиз лозим. Мамакатимизда педагогларнинг самарали меҳнат қилиши, изланиши учун зарур барча шароит бор. Танлов давомида ўқувчилар маънавиятини юксалтириш, уларда соғлом тафаккурни шакллантиришга оид қўллаб-қувватлаш ва технологиялар билан

яқиндан танишдим, ҳам-касбларим билан ўзаро тажриба алмашдим. Чирчиқ шаҳридаги 9-мактабининг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси Елена Шербатова ҳамда 5-мактабининг информатика фани ўқитувчиси Алие Кибаббара, Олмаликдаги 17-мактабининг кимё фани ўқитувчиси Хилола Исроилова иккинчи ўринга лойиқ қўрилди.

"Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси – 2017" танловидан 10 та фан бўйича тўртта биринчи ва учта иккинчи ўринни эгаллаган вилоятимиз вакиллари республика бўйича мутлақ ғолибликни қўлга киритдилар.

Зоҳир ТОШХҲҲАЕВ,
"Тошкент ҳақиқати"
муҳбири.

Мусобақа

Олмалик шаҳрида умумтаълим мактаблари ҳамда касб-хунар коллежлари ўқувчилари ўртасида ўтказиб келинаётган "Ёш қутқарувчи" мусобақасининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

"ЁШ ҚУТҚАРУВЧИ"ЛАР БЕЛЛАШУВИ

Фавқуллодда вазиятлар вазирлиги ҳамда "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда вилоятнинг барча туман ва шаҳарларидаги таълим муассасаларида фаолият кўрсатиб келаётган "Ёш қутқарувчи" клублари аъзо ўқувчилари иштирок этди.

Кизгин ва мurosасиз баҳсларга бой бўлган танловда мактаб ўқувчилари ўртасида 1-ўрин Чирчиқ шаҳридаги 8-

мактабининг "Бунёдкор", 2-ўрин Олмалик шаҳридаги 19-мактабининг "Халоскор ёшлар", 3-ўрин Зангиота туманидаги 53-мактабининг "Яшин" жамоаларига насиб этди. Шунингдек, Олмалик қурилиш ва уй-жой касб-хунар коллежининг "Халоскор ёшлар" жамоаси касб-хунар коллежлари ўқувчилари ўртасида 1-ўрин Чирчиқ ижтимоий-иқтисодиёт касб-хунар коллежининг "Кимёгар" жамоаси 2-ўрини эгаллади.

биёт коллежининг "Тезкор" жамоаси эса 3-ўринни қўлга киритди.

Мусобақа якунларига кўра, ғолиб жамоалар танловнинг республика босқичига йўланмани қўлга киритди.

Совриндорларга "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ҳамда ҳамкор ташкилотларнинг диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Юлдахон ФАЗИЛДИНОВА.

ЭХТИЁТКОРЛИК – САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

оғиз-бурун, лаб, қўз, шиллиқ пардасига тушганда юқади. Шундан сўнг вирус асаб тоалари бўйлаб бутун тананга тарқалади, бош ва орқа миёдаги ўзи танлаган махсус жойдан макон топади.

Касалликнинг яширин даври ҳайвонларда 14-16 кун, одамларда эса 8-10 кундан бир неча ҳафта, ҳатто 30-90 кун, бир йилгача давом этиши мумкин. Қолаверса, бу муддат кутурган ҳайвон одам танасининг қайси соҳасини, юқори ва пастки қисмларини қай даражада жа-

роҳатлаганига ҳам боғлиқ. Тананинг юқори қисми, айниқса, юз, бўйин, елка ва қўл соҳалари шикастланса, бу жуда хавфли ҳисобланади. Чунки, бу жойларда қон томирлар ниҳоятда сертармоқ бўлиб, тананга кирган инфекциянинг тезда тарқалиши ва касаллик белгиларининг қисқа фурсатда пайдо бўлишига олиб келади. Агар тананинг қуйи қисми шикастланган бўлса, касаллик белгиларининг намоён бўлиши бир оз кечикади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, касаллик ҳайвондан

ҳайвонга, ҳайвондан одамга ўтади, лекин одамдан одамга юкмайди. Табиийки, касаллик турлари ҳайвонларда ва одамларда ўзига хос, турлича кечади. Илмий-тиббий, статистик маълумотларга қараганда, бошқа ҳайвонларга нисбатан кутуриш касаллигига кўпроқ мойиллик ва уни юқтиришининг 63 фоизи итлар билан боғлиқ экан.

Агар бирор ҳайвон одамни тишласа, қопса, терисини тирнаса ёки унга сўлағи тегса, ўша заҳотиёқ, жароҳат юзасини кирсовун билан ювиш, атрофи-

га йод эритмасини суртиб, устига тоза, стерил боғлам қўйиш, шикастланган одамни зудлик билан шифокор-рабиологга кўрсатиш зарур.

Кутуриш касаллигидан сақланишнинг энг асосий шарти, ҳўжалик ва хонадонлардаги барча ҳайвонлар ветеринария хизмати ходимлари томонидан ҳисобга олиниши, улар ҳар йили кутуриш касаллигига қарши, албатта, эмланиши зарур.

Фарида КОМИЛОВА,
Саломатлик ва тиббий статистика институти ходими.

Мутахассис маслаҳати

Касаллик вирусининг сақловчиси ва манбалари ёввойи ва йиртқич тулки, бўри, чия-бўри, уй ҳайвонларидан от, туя, ит, мушук, шунингдек, қаламуш, сичқон, юмроққозил, қўршапалаклар, қушлар ҳисобланади. Вирус кутуриб ўлган ҳайвон-

ларнинг чириётган мурдаларида, айниқса, қиш ойларида бир неча ҳафтагача сақланади. Касаллик одамга дайди ва қаровсиз ҳайвонлар тишлаганда, унинг сўлағи ёки заррачалари терининг тирналган, жароҳатланган соҳаси юзасига,

Реклама ва эълонлар

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ «СУВОҚОВА» ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 3 декабрдаги ЎРҚ-378-сонли "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари" тўғрисидаги Қонуни ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 27 октябрдаги 366-сонли қарори талабларининг ижроси юзасидан Тошкент вилояти "Сувоқова" Давлат унитар корхонаси директори ва унинг ўринбосари томонидан 2017 йил апрель-май ойлари давомида Тошкент вилоятининг туман-шаҳарларида жисмоний ва юридик шахслар вакиллари билан ўтказиладиган сайёр қабул учрашувларнинг

ЖАДВАЛИ

№		Корхона директори ва унинг ўринбосари	Лавозими	Сайёр учрашувлар ўтказиладиган кунлар					
				17.05.2017 йил	18.05.2017 йил	24.05.2017 йил	01.06.2017 йил	07.06.2017 йил	
1.	Аминов Нўмон Мирахматович	Директор		Ўрта Чирчиқ "Сувоқова" филиали биносида соат 11.00 да	Янгийўл "Сувоқова" филиали биносида соат 10.00 да	Пискент "Сувоқова" филиали биносида соат 15.00 да	Оққўрғон "Сувоқова" филиали биносида соат 10.00 да	Бўка "Сувоқова" филиали биносида соат 10.00 да	
				Қибрай "Сувоқова" филиали биносида соат 13.00 да	Чиноз "Сувоқова" филиали биносида соат 14.00 да		Куйи Чирчиқ "Сувоқова" филиали биносида соат 14.00 да	Бекобод тумани "Сувоқова" филиали биносида соат 10.00 да Бекобод шаҳар "Сувоқова" филиали биносида соат 14.00 да	
2.	Ҳокимбоев Рўздат Икромович	Бош муҳандис		16.05.2017 йил Ангрен "Сувоқова" филиали биносида соат 10.00 да	19.05.2017 йил Юқори Чирчиқ "Сувоқова" филиали биносида соат 14.00 да	25.05.2017 йил Оҳангарон "Сувоқова" филиали биносида соат 10.00 да	02.06.2017 йил Зангиота "Сувоқова" филиали биносида соат 10.00 да	06.06.2017 йил Чирчиқ "Сувоқова" филиали биносида соат 10.00 да	
				Олмалик "Сувоқова" филиали биносида соат 15.00 да		Паркент "Сувоқова" филиали биносида соат 15.00 да		Бўстонлик "Сувоқова" филиали биносида соат 15.00 да	

"KOSHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Давлат Рақобат Қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг 2016 йил 8 июлдаги 70 и/ч-сонли буйруғи, Паркент тумани ҳокимининг 2016 йил 29 мартдаги 325-сонли қарори ва аукцион савдоларини ўтказиш комиссиясининг 2017 йил 20 апрелдаги йиғилиш баённомасига асосан яқна тартибда уй-жой қуриш (ҳеҳдон ҳўжалиги юритиш) учун қуйидаги ер участкаларига бўлган мерос қўлиб қолдирилган умрбод эғалик қилиш ҳўқуқи такроран қўйилмоқда:

Тошкент вилояти, Паркент тумани, Заркент ҚФЙ, Заркент массивидаги ҳар бирининг сатҳи 0,04 га, дан иборат бўлган 130 ва 200-сонли жами 2 (икки) та ер участкалари. Ҳар бир ер участкасига бўлган ҳўқуқнинг бошланғич баҳоси – 167 305 сўм 60 тиيين. Аукцион савдоси 2017 йил 9 июнь кунини соат 11.00 да, Паркент тумани ҳокимлигининг маъмурий биносида бўлиб ўтади. Буюртномалар расмий иш кўнларини соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Буюртномаларни қабул

ташкилотчисига аукцион савдоси ўтказиш тўғрисидаги хабарномада белгиланган муддатларда қуйидаги ҳўжжатларни буюртнома билан бирга тақдим этадилар:

– Ўзбекистон Республикаси фуқароси – паспорт нусхаси;
– хорижий юридик шахслар – уларнинг уставини белгиланган тартибда легализация қилинган нусхаси;
– хорижий фуқаролар – чет давлат миллий ёки дипломатик паспорт нусхаси;
– Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган ва яшаш гувоҳномасига эга бўлган шахслар – яшаш гувоҳномаси нусхаси;
– солиқ тўловчининг идентификацион (ИНН) рақами;
– зақалат пули тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳўжжати нусхаси.

Буюртномалар савдо ташкилотчисининг манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А уйда қабул қилинади. Тел./Факс: (0371) 228-84-48. www.1kms.uz. Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Лицензия RR-0001.

"REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

2017 йил 29 май кунини соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига қуйидаги қўчмас мўлк такроран қўйилмоқда:

Тошкент вилояти, Чиноз тумани СИБ томонидан ТВХСнинг 26.09.2016 йилдаги № 11-1606/12815-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Охунбобоев кўчасида жойлашган умумий қурилиш ости майдони 522,24 кв.м. бўлган биноиншоот. Бошланғич баҳоси – 655 672 000 сўм.

Аукцион савдоси Тошкент шаҳри, Мировод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уйда бўлиб ўтади. Юқоридаги қўчмас мўлк билан тегишли суд ижрозилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар ҳар кунини (дам олиш ва байрам кўнларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00

"REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

2017 йил 29 май кунини соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига қуйидаги қўчмас мўлк такроран қўйилмоқда:

Тошкент вилояти, Чиноз тумани СИБ томонидан ТВХСнинг 26.09.2016 йилдаги № 11-1606/12815-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Охунбобоев кўчасида жойлашган умумий қурилиш ости майдони 522,24 кв.м. бўлган биноиншоот. Бошланғич баҳоси – 655 672 000 сўм.

Аукцион савдоси Тошкент шаҳри, Мировод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уйда бўлиб ўтади. Юқоридаги қўчмас мўлк билан тегишли суд ижрозилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар иш кўнларини соат

"VIP REAL ESTATE" МЧЖнинг АУКЦИОН САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТ!

2017 йил 22 май кунини соат 12.00 да мўлкнинг бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига қуйидаги қўчмас мўлк такроран қўйилмоқда:

ЖИБ Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани судининг 12.04.2016 йилдаги 1-101-сонли ижро варақасига асосан Бўстонлик тумани СИБ томонидан хатланган, Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, Фазалкент шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 95-уй, 12-хонадонда жойлашган, умумий майдони 31,60 кв.м., турархўй майдони 17,40 кв.м., 1 хонадан иборат турархўй. Бошланғич баҳоси – 28 658 816 сўм; ЖИБ Тошкент вилояти, Қибрай тумани судининг 19.03.2012 йилдаги 1-49/12-сонли ижро варақасига асосан Бўстонлик тумани СИБ томонидан хатланган, Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, Нанай ҚФЙда жойлашган, умумий ер майдони 326,0 кв.м., фойдала майдони 61,75 кв.м., 3 та яшаш хонадан иборат дала ҳовли. Бошланғич баҳоси – 41 240 259 сўм.

Савдога чиқариш билан тегишли туман СИБ бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоси ғолиби савдо ўтган кундан бошлаб 5 (беш) банк кун ичида мўлк учун тўловларини амалга ошириш лозим. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар иш кўнларини соат

10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва аукцион савдосидан бир кун олдин соат 11.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидеги талабгорлар тузиладиган зақалат қелишувига асосан мўлк бошланғич баҳосининг 20 (йигирма) фоиздан кам бўлмаган миқдордаги зақалат пулини тўлов ҳўжжатида ижро ҳўжжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда савдо ташкилотчисининг АТБ "InfinitBANK" даги МФО 01041, ИНН 302681189, 20208000600250595001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва ариза билан қуйида кўрсатилган ҳўжжатларни топширишлари керак: жисмоний шахслардан – паспорт нусхаси; юридик шахслардан – давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳўжжат илова қилинган ҳолда; зақалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳўжжати; чет эл юридик ва жисмоний шахслари сўмдаги маблағларининг қелиб қиқши конунийлигини тасдиқлайдиган маълумот. Қўшимча хизматлар кўрсатиш учун алоҳида тўлов олинади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, А. Темури 1-тор кўчаси, 6-уй. Телефон: (0595) 143-0-143, e-mail: info@realtors.uz, www.realtors.uz.

Лицензия рақами RR 0173.

"TASHKENT REALTOR SERVICE" МЧЖ Зангиота тумани ҳокимлигининг 2015 йил 10 июндаги 614-сонли қарори бекор қилиниши сабабли

2015 йил 4 май кунини ташкилотимиз томонидан ташкиллаштирилган очик аукцион савдосида Зангиота туманида жойлашган "М. МАМУРОВ" фермер ҳўжалигидан туман заҳирасига олинган 5,8 гектар "Узумзор"нинг сотилиши бўйича тузилган ғолиблик баённомаси, сотувчи ва аукцион ғолиби ўртасида имзоланган 04.05.2015 йилдаги олди-сотди шартномаси бекор қилинганлигини маълум қилади. Хизматлар лицензияланган RR – № 0008.

«УЗИЛГАН БИР КИПРИК АБАД ЙЎҚОЛМАС...»

Эзгулик биносига битта гишт қўйган, ёруғ кунлар учун умрини бағишлаган, юрт тинчлиги, эл фаровонлиги, озод насллар камоли йўлида жон фидо қилган юртдошларимизни унуттишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Улар хотира қатларида, хаёл бўстонларида абадий ям-яшил дарахт янглиғ гуркираб туради. Шунинг учун ҳам оловқалб, оташзабон шоир Усмон Носир ишонч билан ёзади:

Баргдек узилиб кетсам,
Унутмас мени боғим:
Ишимни ҳурмат қилур,
Гуллардан ҳайкал курур.
Минг йиллардан кейин ҳам
Унутмас мени боғим!

Ватан боғида баравж гуллаган чоғида изгиринлар бевақт юлиб кетган япроқлар – жигарбандлар ҳамиша ёдда! Шоир орзу қилганидек, уларга ҳар дилда гуллардан ҳайкал ўрнатилган. Хотира аталмиш буюк неъмат сабаб қутлуг номлари тиллардан, эҳтироми диллардан аримай келади.

Асли инсоният тамаддунини, одабийлик силсиласини боғлаб келаётган мустаҳкам ришта мана шу хотира!

Асрларни боғлаб турар хотиранинг имкони,
Хотирасиз қолса инсон
Ғафлат босар дунёни.
Юқоридаги сатрлар ғоят топиб айтилган. Хотирасиз қолиш фожиасини файласуф

«Тошкент ҳақиқати»нинг навбатдаги сони 9 май, сешанба кuni чиқади.

◀ Бошлангич 1-бетга.

адиб Чингиз Айтматов "Асрга татигулик кун" романидаги манкурт тимсолида маҳорат билан кўрсатиб берди. Истибдод қийноқлари сабаб хотирасидан айрилган манкурт ўз онасини ўлдирди. Янада даҳшатлиси, қилмишининг қанчалар оғир гуноҳ, адоқсиз фожа эканлигини идрок этолмайди... Хотирасидан маҳрум миллат манкуртлик қисматиға маҳкум.

Зеро, кечаги кунлар зулматини билмаган киши бугунги тонгларнинг қадрига етмайди. Беомон жанглардан қалбида битмас жароҳатлар билан қайтган жабрдийдаларни эъозлаш, ҳаётини ҳикояларидан тўғри хулосалар чиқариш эртанги келажақ эгалари учун ҳам фарз, ҳам қарзидир. Уларнинг ҳар нафаси шукрона билан ўтади. Чунки, уруш аждари домидан омон чиқмоқ бахтини, тинч кунлар тотини, озод замон ҳузурини, энг аввало, мана шу кекса авлод юракдан ҳис қилади. Билганларини бошқаларга аниқлашга сидқидилдан интилади.

Аслида ҳам коинотдаги яралмишлар орасида юксак қадрга муносиб зот – бу инсон. Мана шу хулосани, бугунги кунлар сувратию сийратини ҳазрат Алишер Навоийдан ўзиб айтишнинг имкони йўқ:

Хуш дурур боғу коинот гули,
Барчадин яхшироқ ҳаёт гули.

Шоира БОЗОРОВА.

Спорт хабарлари

ЎЗБЕК БОКСЧИЛАРИ ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИГА БОРАДИ

Осиё чемпионатида муносиб иштирок этаётган Ўзбекистон терма жамоаси аъзоларидан тўққиз нафари – Жасурбек Латипов, Муроджон Аҳмадалиев, Элнур Абдураимов, Исроил Мадримов, Бектемир Мелиқўзиев, Хасанбой Дўсматов, Иқболжон Холдоров, Шахрам Ғиёсов ва Баҳодир Жалолов энди Жаҳон чемпионатида ҳам ўз маҳоратларини кўрсатди.

Тошкент шаҳрида ҳал қилувчи паллага кирган бокс бўйича Осиё чемпионатида ўнта вазнининг ҳар бирида ярим финалга йўлланма олган боксчилар бу йилги Жаҳон чемпионатида ҳам қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.



лислар ва устозларимиз ишончини оқлашга ҳаракат қиламиз.

Тошкентдаги Осиё чемпионатида жами 13 та мамлакат боксчилари

ярим финалга чиқиш орқали Жаҳон чемпионати йўлланмасини нақд қилди.

Зоҳир ТОШХЎҲАЕВ,
"Тошкент ҳақиқати"
муҳбири.

Доира жарангида оловнинг овози бор...

Ангренлик санъатсевар ёшлар Нозимжон акани ўзларига устоз, деб билишади. Оталар ҳам фарзандларини Нозимжон Раҳматовнинг ҳузурига бажонидил етаклаб боришади. Устоз эса анъанавий созандалик сирларини ёшларга ўргатишдан қарчмамайди.

◻ Бизга ёзадилар

бимиздаги губорларни тарқатиб юбораётгандай туюлади. – дейди мураббий. – Ҳаётимни ўқувчиларсиз, доира оҳангларисиз тасаввур қилолмайман. Доира зарби юрагимнинг бир маромда уришига ўхшайди.

Нозимжон Раҳматов бир неча йилдан бери Тошкент Давлат консерваторияси профессори, композитор Илхом Икромов билан ҳамкорлик қилади. Бу эса, ўз навбатида, қатор илмий ма-

қолалар, услубий қўлланмаларнинг ёзилишига туртки бўлди. Унинг ўзи ҳам бир пайтлар Ўзбекистон халқ артисти Қахрамон Дадаев, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Аҳмаджон Шукуров, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, бастакор Муҳаммаджон Шокиров, бастакор Тошпўлат Ашрафхўжаев, профессор Илхомжон Икромов, Нурмуҳаммад Миржалилов, доирачи Болтавой Тургунов син-

гари санъаткорлардан мусиқа сирларини чуқур ўзлаштирган.

2016 йил ноябрь ойида пойтахтимизда ўтказилган "Она юрт оҳанглари" халқаро созандалар танловида шогирди Ардоқбек Маннобов ҳам иштирок этиб, Манас Левиеннинг "Ёшлик сюитаси", Г. Мушелнинг "Балерина" балетидан "тўрт қиз вариацияси"ни маҳорат билан ижро этди. Шунингдек, унинг ижросидаги уста Олим Комиловнинг "Катта ўйин" асаридан парчалар ҳам ижобий баҳоланиб, махсус халқаро танлов сертификати билан тақдирланди.

Серкирра ижодкор Нозимжон Раҳматов Ангрен шаҳар ҳокимлиги маданият

ишлари бўлими бадий кенгаши раисининг ўринбосари, халқ таълими бўлими ходимларидан ташкил топган "Наво" созандалар ансамблининг бадий раҳбари сифатида шахримизда ўтказилиб келинаётган қатор адабий-бадий тадбирларнинг жонкуяр ташкилотчиси.

Шаҳардаги 10-Болалар мусиқа ва санъат мактабига яқин бориб, доира садоларини эшитсангиз, билингки, Ўзбекистон халқ таълими аълочиси Нозимжон Раҳматов иш устида...

Ўғил ШОДИЕВА,
Малаҳат УМИРЗОҚУЛОВА,
Ангрен шаҳар
Ўлкашунослик музейи
катта илмий ходимлари.

Реклама ҳуқуқи асосида

9 май – Хотира ва Қадрлаш кuni

Инсон, миллат ва халқ тарихий хотира туйғуси билан барҳаётдур.

Азиз юртдошлар!

Қалбларда бугунги тинч, фаровон ва осойишта ҳаёт учун ажиб бир шукроналик туйғулари жўш ураётган шу шукуҳли кунларга элу юртимиз равнақи йўлидаги ишларингиз бароридан келсин, эзгу мақсад ва муддаоларингиз рўёбга чиқсин.



«AGRO BIO PRODUCTS» MOHJ

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:

Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
вазифасини бажарувчи

Ғайрат
ШЕРАЛИЕВ

Манзилымыз:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32.
Электрон почта:
thaqiqat@mail.uz

Қабулхона:
Бош муҳаррир ўринбосари:
Масъул котиб:
Бўлим муҳаррирлари
Шартнома ва эълонлар:
Ҳисоб-китоб бўлими:

Телефонлар:
233-58-85 (факс)
233-70-10
233-79-96
233-12-83, 233-38-23, 233-48-08
233-81-21, 233-65-59
233-54-10

Тошкент вилояти Матбуот ва
ахборот бошқармасида 2011 йил
12 январда 03-001 рақами билан
руйхатга олинган.
Газета таҳририят компьютер
марказида терилди ва
Т. МАХМУДУЖАЕВ
томонидан саҳифаланди.

Масъул котиб
Бехзод ҚОБУЛОВ
Навбатчи муҳаррир
Зоҳир ТОШХЎҲАЕВ
Назоратчи мусоҳҳах
Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА